

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХАЛҚАРО ЛИЗИНГНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Уразалиев Бекзод Султанбаевич

УрДУ тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон иқтисодиётида халқаро лизингнинг аҳамияти, инвестицияларни жалб этишдаги ўрни ва унинг иқтисодий тараққиётга қўшаётган ҳиссаси ёритилган. Шунингдек, халқаро лизингни ривожлантиришда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инвестиция, халқаро лизинг, иқтисодий тараққиёт, молиялаштириш, бизнес.

Аннотация. В данном исследовании рассматривается роль международного лизинга в экономике Узбекистана, его значение в привлечении инвестиций и влияние на экономическое развитие страны. Также анализируются существующие проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: инвестиции, международный лизинг, экономическое развитие, финансирование, бизнес.

Abstract. This study examines the role of international leasing in the economy of Uzbekistan, its importance in attracting investments, and its impact on economic development. The paper also analyzes existing challenges and possible solutions.

Keywords: investment, international leasing, economic development, financing, business.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл лизинглари кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Бу борада сўз кетганда Президент Шавкат Мирзиёев: “Биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаёт

манфаатларини таъминлайдиган ва жамият равнақига хизмат қиладиган мустахкам пойдеворга айлансин!”¹.

Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий сармояларни жалб этаётган, Халқаро лизинг шартномаларини имзолаётган корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Халқаро лизинг лизингнинг алоҳида тури бўлиб, бунда томонларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси (ёки ҳаммаси) чет эл шериги бўлади, бундан ташқари томонларнинг бири хорижий фирма билан қўшма капиталга эга шериг бўлиши ҳам мумкин. Халқаро лизингнинг қуйидаги модификациялари мавжуд: тўғридан-тўғри экспорт ва импорт, транзит (билвосита), тўғри бўлмаган лизинглар.

Халқаро лизингнинг ўзига хос хусусияти унинг амалга оширилиши молиялаштиришнинг турли шаклларига мос тушиши билан изоҳланади. Бунда юртимизда лизинг лойиҳасини амалга ошириш учун турли манбалардан, Халқаро молия ташкилотлар, чет эл инвесторлари ва албадда ички инвесторлардан маблағларни жалб этиш мумкинлиги унинг қулайлигини, фойдалигини, самарадорлигини ва афзаллигини оширади.

Президент Шавкат Мирзиёев тамонидан 2026 йил 15 январ куни Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятини муҳокамасига бағишланган йиғилиш маълумотларига кўра икки ва кўп томонлама тадбирлар доирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўйича битимлар имзоланди. Тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 миллиард доллардан ошиб, экспорт 33,5 миллиард долларга, хорижий инвестициялар эса 43 миллиард доллардан ошди. Ўтган йили 75 та давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 миллиард долларга кўпайди.

Шунингдек “Австриянинг “Бауэр” компанияси билан Хоразмда 7,5 минг гектарда томчилаб суғоришни жорий қилиш режалаштирилган. Бунда фермерларга шундай техникалар тайёр ўрнатилиб, лизинг асосида сўмда йиллик 2,5 фоиз ставкада 10 йил муддатга бериш кўзланган”².

Бозор иқтисодиёти шароитида юртимизда лизинг лойиҳаларини ташкил этиш ва молиялаштириш йўналишларини ўрганиш учун корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бир қанча тадбирлар ва инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштиришда ўрни беқиёс.

¹ <https://president.uz>

² <https://president.uz/uz/lists/view/8106> (02.05.2025 йил Хоразм вилоят Урганч туманда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган “Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳокамасиг”га бағишланган йиғилишдаги нутқидан).

Шу билан бир қаторда, республикада лизинглар билан боғлиқ муаммолар мавжуд уларни ҳал қилиш Ўзбекистонни янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Улар: инфратузилмасининг суст ривожланганлиги, Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги тўғрисида жаҳон ОАВларида рекламанинг йўқлиги, инвестицияларнинг вилоятлараро тақсимотида юқори дифференциялашганлиги (Мисол учун, Қорақалпоғистон, Хоразмни Тошкентга нисбатан ҳисоблаганда).

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон олдида муҳим муаммоларни ҳал этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Хорижий ва маҳаллий ускуна ва минитехнологияларни топиш, ҳарид қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш, мавжуд бозор конюктурасини чуқур ўрганиш.

- Сармоявий таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тайёрлашга кўмаклашиш.

- Ташқи ва ички бозор аҳволи, унинг кўрсаткичлари тўғрисида ахборот хизмати.

- Халқаро Савдо-иқтисодий учрашувлар ташкил этиш.

- Хорижий ҳамкорларга виза олишда кўмаклашиш.

- Халқаро ва миллий ишбилармонлик учрашувларини етарлича ташкил этиш.

- Божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни такомиллаштириш.

- Миллий бухгалтерия ҳисобини Халқаро Молиявий Ҳисоби Стандартларига янада яқинлаштириш.

- Инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича 3 гуруҳга бўлиб, суст ривожланган минтақаларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик ярати.

- Эркин индустриол экспорт зоналари амалиётини ўрганиш ва уларни юртимизда жорий қилишга эришиш.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технология, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти – president.uz
3. Грязнова А.Г., Федотова М.А. Финансы. – Москва: Юрайт, 2022.

4. Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. – Санкт-Петербург: Питер, 2021.
5. Brealey R., Myers S., Allen F. Principles of Corporate Finance. – McGraw-Hill, 2020.
6. UNIDO. Investment and Leasing Development Report. – Vienna, 2022.